

АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙНИНГ “ФУНУН УЛ-БАЛОҒА” АСАРИДА ТУРКИЙ АРУЗ МАСАЛАЛАРИ



Дилнавоз Рахмоновна ЮСУПОВА
Филология фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети
Тошкент, Ўзбекистон
mumtoza_dil@mail.ru

Аннотация

Мақолада темурийлар даврида яратилган адабиёт назариясига доир илк туркий рисола Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари ҳақида сўз боради. Асарнинг ягона кўлёмаси бундан чорак аср мукаддам фанга маълум қилинганига қарамай, унда аруз билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлигига эътибор қаратилади. Мақолада рисоланинг туркий арузшуносликдаги ўрни, аруз билан боғлиқ атамалар: жузвлар, рукн, баҳр ва вазнларга доир энг муҳим масалалар таҳлили қамраб олинган.

Калит сўзлар: аруз; рукн; баҳр; вазн; доира; зихоф (ўзгаришлар).

ПРОБЛЕМЫ ТЮРКСКОГО АРУЗА В ПРОИЗВЕДЕНИИ ШЕЙХА АХМАДА ТАРАЗИ “ФУНУН УЛ-БАЛОҒА” (ТРАКТАТ О ПОЭТИКЕ)

Дилнавоз Рахмоновна ЮСУПОВА
Кандидат филологических наук, доцент
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы
Ташкент, Узбекистан
mumtoza_dil@mail.ru

Аннотация

В статье речь идет о первом тюркском трактате Шейха Ахмада Тарази, посвященном теории литературы и который был создан в период правления тимуридов. Прошло четверть века, как этот трактат был внесён в науку, но в нем всё еще не достаточно изучены проблемы связанные со системой стихосложения аруз. В статье освещены вопросы, связанные с арузом, такие как джузв, рукн (стопа), бахр (поэтический метр) и вазн (стихосложный размер).

Ключевые слова: аруз; рукн (стопа); бахр (поэтический метр); вазн (стихосложный размер); доира (концентрические круги); зихаф (изменения).

THE PROBLEMS OF THE TURKIC ARUZ IN THE WORK OF SHEIKH AHMAN TARAZI “FUNUN UL-BALOGA” (TREATISE ON POETICS)

Dilnavoz Rakhmonovna YUSUPOVA
Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Tashkent State University of

Uzbek Language and Literature
Tashkent, Uzbekistan
mumtoza_dil@mail.ru

Abstract

In the article, the work “Funun al balagah” by Akhmad Tarazi, which was initially created on the turkish language on the period of the Temurids, was mentioned. The only handwriting of the work was not known last quarter century ago, and the issues on aruz was not highly paid attention to rework on. In the article, treatise’s role on literature, the terms on aruz have been included. Such as, juzv, rukn, bakhr, and vazn.

Keywords: Aruz (prosody); bakhr (poetic metr); vazn (verse); doira (circles’ aruz); zihof (changes).

Туркий адабиётшуносликнинг илк илдизлари анча қадимги даврларга бориб тақалса-да (1, 47–50), бу соҳага доир бизгача етиб келган илк назарий манба бу Шайх Аҳмад ибн Худойдод Гарозийнинг “Фунун ул-балоға” асаридир. Ҳозирги кунда асарнинг фанга маълум ягона қўлёзма нусхаси Лондон шаҳридаги Бодлиан кутубхонасида №-Элиотт 127 рақами остида сақланмоқда¹.

Асар қўлёзмаси 139 саҳифадан иборат бўлиб, ундаги матн 1б-саҳифадан бошланган ва 139а-саҳифада узилиб қолган. Қўлёзма колофонида келтирилган маълумотда айтилишича, асар ҳижрий 989, милодий 1581 йили бухоролик хаттот Мир Ҳусайн Куланги Бухорий томонидан кўчирилган (2, 139). Рисолани тадқиқ қилган америкалик олим Девин де Уиснинг хабар беришича, мазкур рисола ҳақидаги илк маълумот 1930 йили шарқшунос Ҳерманн Эзе томонидан тузилиб, Оксфорддаги “Кларендон Пресс” нашриётида чоп қилинган “Бодлиан кутубхонасида сақланаётган форсий, туркий, ҳиндий ҳамда пушту қўлёзмалари каталоги”нинг иккинчи қисмида учрайди. Унда асар номи, Мирзо Улуғбекка бағишланганлиги, 1225-устунда №-127 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида қисқагина айтиб ўтилган. Элезар Бирнбаумнинг 1984 йили чоп этилган “Туркий қўлёзмалар: 1960 йилдан буён рўйхатга олинган ва рўйхатга олинмаган қўлёзмалар” асарининг тўртинчи қисмида ҳам ушбу қўлёзма ҳақида маълумот берилади. Кейинчалик 2003 йили Ҳерманн Эзенинг каталоги асосида Гунай Кут хам “Фунун ул-балоға” хусусида тўхталган бўлиб, унда асар ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланилган (3, 74 – 77).

“Фунун ул-балоға”нинг илмий жамоатчиликка маълум қилинганига чорак аср вақт ўтганига қарамай, ҳали-ҳануз унинг шеършуносликдаги назарий аҳамияти етарлича очиб берилгани йўқ². Олим А.Ҳайитметов асар матнини 1993

¹Мазкур қўлёзманинг фотонусхасини қўлга киритишда яқиндан кўмаклашган олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркиновга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

² Асар юзасидан ўзбек адабиётшунослигида А. Ҳайитметов, Х. Болтабоев ва Ж. Йўлдошбековнинг мақола ва тадқиқотлари мавжуд бўлиб, уларда рисоланинг умумий жиҳатлари ҳақида сўз боради.

йили алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2002-2003 йиллардаги сонларида эълон қилди (4-5). Биз ушбу мақоламизда асардаги энг катта қисм – *аруз илмига* доир назарий масалалар: жузвлар, рукнлар, баҳр ва вазнлар билан боғлиқ жиҳатларга тўхта ўтмоқчимиз.

Адабий манбаларда Шайх Аҳмад Тарозий ва унинг асари ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Фақат Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Рисолаи аруз” асарида баҳрлар билан боғлиқ ўринда шайх Аҳмад Тарозийнинг уч байтини мисол тариқасида келтириб ўтади. Улардан бири асарнинг ражаз баҳрига доир қисмида бўлиб, шоир *мутатаввал*¹ вазнга мисол сифатида қуйидаги байтни келтиради:

*Кўрди кўзум саҳар чаман ичида бир паривашеким юзи гул, тани суман,
зулфи бинафша, қадди сарви саҳи эрди лаб шакар,*

*Лола ўзидин ўтаниб даъвисидан суман тониб, эрди бинафша бош солиб,
сарви чинору қож ҳам бўлди қадин кўруб дигар* (6, 57).

“Фунун ул-балоға” 1437 йили яратилган ва Амир Темурнинг (1336 – 1404) невараси, Мовароуннаҳрнинг ўша пайтдаги ҳукмдори Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек ибн Шоҳруҳ мирзога (1394–1449) бағишланган. Асар муқаддима ҳамда алоҳида номланган беш қисмдан иборат бўлиб, улар муаллиф томонидан муқаддиманинг сўнгида қуйидагича маълум қилинган:

1. Аввалги фанда шеърнинг ақсомин ва анвоъин шарҳ қилур.

Мазкур қисмда шайх Аҳмад Тарозий шеър навъларига тўхталиб, уларни шакл ва мавзу жиҳатдан таҳлил қилади ҳамда ўнта шеърини шаклнинг таърифини келтиради.

2. Иккинчи фанда қофия ва радифнинг қавоидин баён қилур.

Ушбу қисмда муаллиф қофия ҳамда радифни назарий жиҳатдан ўрганади, ушбу шеър унсурларини чуқур ва пухта шарҳлаб, қофиянинг 5та (*мутаботир, мутародиф, мутарокиб, мутадорик ва мутаковис*), кейинчалик форс олимлари қўшган 3 (*мутасовий, мутарожих, мутазжийд*) – жами 8та турини тушунтириб беради.

3. Учинчи фанда сўзнинг бадоеъин ва саноеъин зикр этар.

Асарнинг ушбу қисмида мусулмон Шарқи мумтоз адабиётида “илми бадий” (бадийлик илми) деб номланган соҳага тегишли бўлган шеърини санъатлар тадқиқ қилинади; жами 97та бадий санъат шарҳланиб, араб, форс ва туркий тилда ёзилган шеърлардан мисоллар келтирилади.

4. Тўртинчи фанда шеърнинг тақтиъ ва авзонин тақрир қилур.

¹ *Мутатаввал* (ар. “узун”, “чўзилган”) – бир байтда саккиздан ортиқ рукн қатнашиши билан боғлиқ шеър навъи. Одатда, байт кўпи билан саккиз рукндан иборат бўлади.

Рисоланинг ушбу қисми аруз тизимига бағишланган бўлиб, унда муаллиф аруз баҳрларини тадқиқ қилади, мақоламизда ҳам айнан мана шу қисмни чуқур ёритиш мақсад қилинган, чунки “Фунун ул-балоға”нинг бугун бизга маълум қўлёзмасининг салкам ярмини, яъни 76б – 139а саҳифаларини арузшуносликка доир матн ташкил қилади. Бу эса асар муаллифи арузшуносликка жиддий эътибор билан қараганлигини, бошқа масалаларга нисбатан унга алоҳида ёндашганлигини кўрсатади.

5. Бешинчи фанда муаммонинг усул ва арконини таҳрир этар.

Мазкур қисмни ўз ичига олувчи саҳифалар бизга маълум қўлёзмада мавжуд эмас. Девин Де Уиснинг айтишича, “Фунун ул-балоға”нинг мазкур нусхаси кучли бўронда ёққан ёмғирда кўплаб қўлёзмалар қатори жиддий шикастланган (3, 76).

“Фунун ул-балоға”нинг тўртинчи, яъни аруз илмига бағишланган қисми 76б-саҳифадан: баҳрлар сони ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Унга кўра, араб олимлари арузда ўн олти баҳрни келтирсалар, ажам олимлари уни йигирма тўрттага етказганлар. Шайх Аҳмад Тарозий шу ҳолатга ҳавас қилиб, шеър вазнига оид асар битишни ва ҳар бир вазнга туркий тилдаги байтларни мисол қилиб келтиришни мақсад қилганлигини ёзади. Муаллиф ушбу қисмни ёзишдан аввал араб ва форс тилида яратилган арузга доир манбалар: Маҳмуд Замахшарийнинг “Арузи қистос” (XI), Абул Жайш ал-Ундулусийнинг “Арузи Ундулусий” (XIII), Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” (1253) каби асарларидан фойдаланганлиги айтилади: “Бу ҳавастин кўп нусхаларни мутолаа қилди. Нетонгим, “Арузи қистос” ва “Арузи Ундулусий” ва “Меъёр ул-ашъор”. Ва бу тариқа нусхаларнинг баҳрларида кўп ғаввослик қилдук” (2, 76б).

Сўнгра бобнинг асосий қисми “Фасл” деб номланган бўлим билан бошланади. Бобдаги фасллар рақамланмаган. Жами олти фаслда арузга доир назарий масалалар келтирилган, ҳар бир фасл арузнинг махсус жиҳатларини ёритишга бағишланган.

Шартли равишда *биринчи* деб номлаганимиз илк фаслда баҳрнинг аркон, яъни рукнлар асосида бино бўлиши таъкидланиб, бу рукнлар аслида олтига эканлиги тушунтирилади. “Фунун ул-балоға” муаллифи жузвларни “усули ситта” номи остида келтиради: “Ва аруз аҳлининг истилоҳи бирла асл олти келибтур. Они усули ситта ўқурлар. Ондин иккисини сабаб дерлар. Ва иккисин ватад ўқурлар. Ва иккисини фосила” (2, 77а). Асарда сабаби хафиф учун “лам”, сабаби сақийл учун “ара”, ватади мажмуъ учун “Али”, ватади мафруқ учун “раъс”, фосилаи суғро учун “жабала” ва фосилаи кубро учун “самака” сўзлари

келтирилган (2, 77а)¹. Мазкур аслларнинг таърифлари ва уларга доир устозларнинг мисоллари келтирилгач, муаллиф **иккинчи фаслга** ўтади.

Унга кўра, мазкур асллар асосида саккизта аркон пайдо бўлган. Мазкур саккиз рукни аруз илмида *ажзойи афъил*, яъни *жузвлар ҳолати* деб атаганлар. Улар қуйидагилардир: 1) фаувлун – فعولن 2) фоилун – فاعلن 3) мафойилун – مفاعلن 4) фоилотун – فاعلاتن 5) мустафъилун – مستفعلن 6) мафоилатун – مفاعلتن 7) мутафоилун – متفاعلن 8) мафъувлоту – مفعولات

Сўнг шайх Аҳмад Тарозий ҳар бир рукннинг таркибини таҳлил қилиб, уларни нечта сабаб, нечта ватад ҳамда нечта фосиладан ташкил топганлигини баён этади.

Учинчи фаслда ушбу саккизта рукннинг номи аркони солима, яъни *соғлом рукнлар* эканлиги айтилиб, ушбу аркони солимадан зиҳофлар пайдо бўлиши маълум қилинади. Зиҳофлар солим рукннинг бирор ҳарфини олиб ташлаш ёки алмаштириш орқали ҳосил бўлади, деб тушунтирар экан, муаллиф баҳрларни айнан мазкур солим рукнлар ва улардан ҳосил бўлган зиҳофлар иштирокида пайдо қиладиган рукнлар шакллантиришини маълум қилади.

Тарозий баҳрларни даставвал икки қисмга ажратади:

1) **муттафиқ ул-ажзо** – фақатгина бир аслий рукндан, яъни муаллиф тили билан айтганда, аркони солимадан ташкил топган баҳрлар. Масалан, *фаувлун* рукни байтда саккиз марта такрорланиб келса, бу айнан муттафиқ ул-ажзога кирувчи мутақориб баҳридир. Шайх Аҳмад Тарозий мазкур қисмга саккизта баҳрни киритади:

1-жадвал

| № | Баҳр номи | Рукнлари ва тақтиъи |
|---|------------------|--|
| 1 | <i>Мутақориб</i> | Фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун V – – / V – – / V – – / V – – |
| 2 | <i>Мутадорик</i> | Фоилун фоилун фоилун фоилун – V – – V – – V – – V – |
| 3 | <i>Ҳазаж</i> | Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V – – – / V – – – / V – – – / V – – – |
| 4 | <i>Рамал</i> | Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун – V – – / – V – – / – V – – / – V – – |
| 5 | <i>Ражаз</i> | Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун |

¹ Аслида “самака” сўзи фосилаи куброга эмас, балки фосилаи суғрога мос келади. Бу сўз хаттот томонидан янглиш кўчирилган бўлса керак.

| | | |
|---|--------------|--|
| | | – – V – / – – V – / – – V – / – – V – |
| 6 | <i>Вофир</i> | Мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилатун V – V V – / V – V V – / V – V V – / V – V V – |
| 7 | <i>Комил</i> | Мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун V V – V – / V V – V – / V V – V – / V V – V – |
| 8 | <i>Сақил</i> | Мафъувлоту мафъувлоту мафъувлоту мафъувлоту – – – V / – – – V / – – – V / – – – V |

2) *мухталиф ул-ажзо* – турли аслий рукнларнинг такроридан ҳосил бўлган баҳрлар. Масалан, *фаувлун мафоийлун фаувлун мафоийлун*. Бундан кўринадики, икки солим рукн ўзаро алмашиб, янги рукни ҳосил қилмоқда. Шу ўринда шайх Аҳмад Тарозий бир нуқтага алоҳида урғу беради: “*Ва шарт улдурким, ул икки жузвниким, таркиб этиб, баҳр қилурлар, бир-бирининг ухти* (опа-сингил – Д.Ю.) *керак. Агар бегона бўлса, бу тоифанинг қошинда раво эрмас*” (4, 149).

Бу ўринда шайх Аҳмад Тарозий эътибор қаратган нуқта шуки, икки солим рукни алмаштириб қўллаш натижасида мухталиф ул-ажзога кирувчи бирор баҳр ҳосил қилинса, ундан кейинги баҳр унинг аксини такрорлаши лозим, агар бу шарт адо этилмаса, у баҳр сифатида тан олинмайди. Буни муаллиф мухталиф ул-ажзонинг биринчи ва иккинчи баҳри сифатида келтирган баҳрларнинг рукнларига диққат қилиш орқали янада яхшироқ тушуниб олиш мумкин. Биринчи баҳр *муқорин* деб номланиб, тақтиъи куйидагичадир: *фаувлун фоилун фаувлун фоилун*. Энди иккинчи баҳрга эътибор қаратамиз: бу баҳр *мувофиқ* деб номланиб, унинг тақтиъи куйидагича намоён бўлади: *фоилун фаувлун фоилун фаувлун*. Кўриб ўтилганидек, муқорин баҳридаги рукнларнинг ўрни алмашилиб такрорланса, мувофиқ баҳри ҳосил бўлмоқда. Бу эса шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаганидек, *ул икки жузвнинг ухти*, яъни *опа-сингил бўлаётганлигини* билдиради.

Шайх Аҳмад Тарозий келтираётган мазкур шеърӣй вазн қонунияти ундан кейин битилган туркий арузшунослик манбалари ҳисобланган Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Рисолаи аруз” асарларида учрамайди (Алишер Навоий рисоласида анъанавий 19 баҳрга тўхтаб ўтилган) (7). Бу эса “Фунун ул-балоға” муаллифининг арузшунослик масалаларига ўзига хос тарзда ёндашганлигини кўрсатади.

Шундан сўнг муаллиф баҳрларни уч турга ажратиб, уларни куйидагича таърифлайди:

1) **аъло баҳрлар** саккиз жузвли (рукнли) баҳрлар бўлиб, улар *мусамман ул-аркон* деб аталади;

2) **авсат баҳрлар** олти жузвли (рукнли) баҳрлар бўлиб, улар *мусаддас ул-ажзо* дейилади;

3) **адно баҳрлар** тўрт жузвли (рукнли) баҳрлар бўлиб, *мураббаъ ул-ажзо* деб номланади.

Шайх Аҳмад Тарозий баҳрларни улардаги рукнлар сонига қараб шу тариқа таснифлагач, муттафиқ ул-ажзо баҳрларни, сўнг мухталиф ул-ажзо баҳрларни тақтиъи билан биргаликда келтиради. Юқорида биз муттафиқ ул-ажзо баҳрларини жавдал шаклида келтирдик, қуйида эса **мухталиф ул-ажзога** кирувчи баҳрлар билан танишамиз:

2-жадвал

| № | Баҳр номи | Тақтиъи ва рукнлари |
|----|------------------|---|
| 1 | <i>Муқорин</i> | Фаувлун фоилун фаувлун фоилун V -- / - V - / V -- / - V - |
| 2 | <i>Мувофиқ</i> | Фоилун фаувлун фоилун фаувлун - V - / V -- / - V - / V -- |
| 3 | <i>Тавил</i> | Мафойилун фаувлун мафойилун фаувлун V - -- / V -- / V - -- / V -- |
| 4 | <i>Жазил</i> | Фаувлун мафойилун фаувлун мафойилун V -- / V - -- / V -- / V - -- |
| 5 | <i>Фарид</i> | Фаувлун фоилотун фаувлун фоилотун V -- / - V -- / V -- / - V -- |
| 6 | <i>Мазид</i> | Фоилотун фаувлун фоилотун фаувлун - V -- / V -- / - V -- / V -- |
| 7 | <i>Мутарокиб</i> | Мустафъилун фаувлун мустафъилун фаувлун -- V - / V -- / - - V - / V -- |
| 8 | <i>Мутадовил</i> | Фаувлун мустафъилун фаувлун мустафъилун V -- / - - V - / V -- / - - V - |
| 9 | <i>Муталойим</i> | Мафойилун фаувлун ¹ мафойилун фоилун V - -- / V -- / V - -- / - V - |
| 10 | <i>Мутанофир</i> | Фоилун мафойилун фоилун мафойилун - V - / V - -- / - V - / V - -- |
| 11 | <i>Жадид</i> | Фоилун фоилотун фоилун фоилотун |

¹ Бизнингча, бу рукн аслида *фоилун* бўлиши лозим эди, қўлёзмадаги ноаниқлик сабабли нашрда *фаувлун* тарзида ёзилган – Д.Ю.

| | | |
|----|-----------------|--|
| | | - V - / - V - - / - V - / - V - - |
| 12 | <i>Мадид</i> | Фоилотун фоилун фоилотун фоилун - V - - / - V - / - V - - / - V - |
| 13 | <i>Муҳит</i> | Фоилун мустафъилун фоилун мустафъилун - V - / - - V - / - V - / - - V - |
| 14 | <i>Басит</i> | Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун - - V - / - V - / - - V - / - V - |
| 15 | <i>Музориъ</i> | Мафойилун фоилотун мафойилун фоилотун V - - - / - V - - / V - - - / - V - - |
| 16 | <i>Мушокил</i> | Фоилотун мафойилун фоилотун мафойилун - V - - / V - - - / - V - - / V - - - |
| 17 | <i>Саҳиҳ</i> | Мафойилун мустафъилун мафойилун мустафъилун V - - - / - - V - / V - - - / - - V - |
| 18 | <i>Сариҳ</i> | Мустафъилун мафойилун мустафъилун мафойилун - - V - / V - - - / - - V - / V - - - |
| 19 | <i>Хафиф</i> | Фоилотун мустафъилун фоилотун мустафъилун - V - - / - - V - / - V - - / - - V - |
| 20 | <i>Мужтасс</i> | Мустафъилун фоилотун мустафъилун фоилотун - - V - / - V - - / - - V - / - V - - / |
| 21 | <i>Ажиб</i> | Мафойилун мутафойилун мафойилун мутафойилун V - - - / V V - V - / V - - - / V V - V - |
| 22 | <i>Ғариб</i> | Мутафойилун мафойилун мутафойилун мафойилун V V - V - / V - - - / V V - V - / V - - - |
| 23 | <i>Мунтахаб</i> | Фоилун мафъувлоту фоилун мафъувлоту - V - / - - - V / - V - / - - - V |
| 24 | <i>Муқтазаб</i> | Мафъувлоту фоилун мафъувлоту фоилун - - - V / - V - / - - - V / - V - |
| 25 | <i>Музҳор</i> | Фоилотун мафъувлоту фоилотун мафъувлоту - V - - / - - - V / - V - - / - - - V |
| 26 | <i>Музмар</i> | Мафъувлоту фоилотун мафъувлоту фоилотун - - - V / - V - - / - - - V / - V - - |
| 27 | <i>Мунсарех</i> | Мустафъилун мафъувлоту мустафъилун мафъувлоту - - V - / - - - V / - - V - / - - - V |
| 28 | <i>Мундараж</i> | Мафъувлоту мустафъилун мафъувлоту мустафъилун - - - V / - - V - / - - - V / - - V - |
| 29 | <i>Сареъ</i> | Мустафъилун мустафъилун мафъувлоту - - V - / - - V - / - - - V |

| | | |
|----|--------------|---|
| 30 | <i>Бадеъ</i> | Мафъувлоту мустафъилун мустафъилун - - - V /- - V - /- - V - |
| 31 | <i>Қариб</i> | Мафойилун мафойилун фоилотун V - - - / V - - - / - V - - |
| 32 | <i>Салиб</i> | Фоилотун мафойилун мафойилун - V - - - / V - - - / V - - - |

Бахрларни ўрганиш жараёнида Шайх Аҳмад Тарозий келтираётган *тавил* баҳри Заҳириддин Муҳаммад Бобур рисоласидаги *ариз* баҳри билан, *жазил* баҳри эса *тавил* баҳри билан, *жадид* баҳри эса *амиқ* баҳри билан ўхшаш эканлиги маълум бўлди:

3-жадвал

| № | Шайх Аҳмад Тарозий келтирган баҳр номи | Заҳириддин Муҳаммад Бобур келтирган баҳр номи |
|---|--|---|
| 1 | <i>Тавил</i> | <i>Ариз</i> |
| | Мафойилун фаувлун мафойилун фаувлун V - - - / V - - - / V - - - / V - - - | |
| 2 | <i>Жазил</i> | <i>Тавил</i> |
| | Фаувлун мафойилун фаувлун мафойилун V - - - / V - - - / V - - - / V - - - | |
| 3 | <i>Жадид</i> | <i>Амиқ</i> |
| | Фоилун фоилотун фоилун фоилотун - V - / - V - - - / - V - / - V - - - | |

Бу ҳолат шуни кўрсатадики, арузшуносликда баҳрлар номи ва тақтиъи турлича номланиши мумкин ва назарияда мавжуд баҳрлар аввалдан қўлланиб келган.

Навбатдаги *бешинчи фаслга* келиб, муаллиф юқоридаги фаслларда ўзи берган маълумотларга хулоса ясаб, олти аслдан арконларнинг ҳосил бўлишини, бу арконлардан баҳрлар шаклланишини тушунтириб бўлганлигини маълум қилгач, энди ҳар солим рукндан ҳосил қилинадиган зихофлар, зихофлардан пайдо бўладиган вазнларни келтиришини баён қилади.

Олтинчи фаслда Шайх Аҳмад Тарозий баҳрлар тавсифини бошлар экан, ўзи таъкидлаб ўтганидек, энг аввал мусамман (саккиз) рукнли вазнлар, сўнгра мусаддас (олти) рукнли вазнлар ва энг сўнгида мураббаъ (тўрт) рукнли вазнларга тўхталади. Асарда вазн сўзи “шўъба” истилоҳи остида берилган бўлиб, уларни

келтиришда даставвал вазн (шўъба) номи, сўнгра унинг рукнлари, шу вазнга мос байт ва унинг тақтиъи келтирилади. Энг муҳими, ҳар бир вазн учун танланган мисоллар туркий тилда бўлиб, баъзи ўринларда берилган маълумотларни мустаҳкамлаш, вазннинг хос хусусиятларини яна кенгроқ англатиш учун форсий адабиётга ҳам муурожаат қилинади.

Асарда арузнинг туркий тил қонуниятларига мослиги масаласи ҳам кун тартибига қўйилган. Муаллиф аруз илмини ёритишдан бош мақсади араб ва форс олимлари томонидан кашф қилинган баҳрларни “туркий иборат бирла баён” қилиш эканлигини айтар экан, туркий тил имкониятларига алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, Тарозий “нг” бирикмасининг туркий тилда бир товушни ифодалашини айтиб, аруз вазни билан боғлиқ ўринларда бу жиҳатга диққат қаратилиши зарурлигини таъкидлайди:

“Билгилким, туркий лафзда баъзи ерда “нун” ва “коф” бир ҳарф сонидан саналур, агарчи китобатта икки ҳарф битилур” (2, 91б).

Шунингдек, баҳрлар ва улардан ҳосил бўлувчи вазнларни тушунтиришда муаллиф асосан туркий шеърят учун хос бўлган матбуъ (ёқимли, таъбга маъқул) вазнларнигина беришни маъқул кўради: *“Энди бизнинг китобимизнинг биноси туркийгадур. Номатбуъ вазнларни тарк қилсоқ, муносиброқ бўлғай” (2, 118а).* Асарнинг услуби ўта содда ва қулай. Туркий китобхонга қулай бўлиши ва ўрганиш осонлашишига эришиш учун Тарозий кўп истилоҳларни содда йўсинда баён қилишга интилади ва кўп ўринларда буни қайта-қайта таъкидлайди:

“Билгилким, ул сабабтин бир шеърни таъйир қилиб, ҳар мисол учун такрор қилурбизким, мубтади (янги бошловчи)га ҳар вазннинг тафовути маълум бўлғай ва ҳеч дақиқа муҳмал қолмағай” (2, 100б).

Бу ҳолатларнинг барчаси “Фунун ул-балоға” туркий тилдаги адабиётшунослик, хусусан арузшуносликка доир илк назарий манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ва ўша давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда яратилганлигини кўрсатади.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асаридаги аруз билан боғлиқ масалаларни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари хусусида ундан кейинги адабий манбаларда деярли маълумот учрамайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз рисоласида шайх Аҳмад Тарозийни шоир сифатида эътироф этиб ўтгани ҳолда унинг асари ҳақида маълумот келтирмайди.

2. Асарда илк бора туркий тилдаги арузнинг назарий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, муаллиф учун қуйидаги уч асар – Маҳмуд Замахшарийнинг

“Арузи Қустос”, Ундулусийнинг “Арузи Ундулусий”, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисолалари назарий манба сифатида хизмат қилган.

3. Шайх Аҳмад Тарозий араб олимлари яратган 16 та баҳрни ажам олимлари 24 тага етказганлигини таъкидлагани ҳолда ўз рисоласида 40 та баҳрнинг номини келтиради.

4. “Фунун ул-балоға”нинг аруз қисмида баҳрларни ташкил этувчи асос сифатида 6 та асл (усули ситта): икки сабаб, икки ватад, икки фосила ва уларнинг таркиби келтирилган.

5. Шайх Аҳмад Тарозий усули ситта асосида 8 та аркони солима – фаувлун – فاعولن фоилун – فاعلن мафойилун – مفاعلن фоилотун – فاعلاتن мустафъилун – مستفعلن мафоилатун – مفاعلتن мутафоилун – متفاعلن мафъувлоту – مفعولات – вужудга келганлигини айтиб ўтган.

6. “Фунун ул-балоға”да муаллиф баҳрларни фақат аслий рукн такрори ва аслий рукнларнинг ўзаро алмашиб келишига кўра икки қисмга ажратади ҳамда муттафиқ ул-ажзога 8 та, мухталиф ул-ажзога 32 та баҳр киришини маълум қилиб, уларнинг номлари ва тақтибини келтиради.

7. Шайх Аҳмад Тарозий баҳрларни улардаги рукнлар сонига қара аъло (8 рукн), авсат (6 рукн) ҳамда адно (4 рукн) каби 3 қисмга ажратиб таснифлайди.

8. Шу пайтгача туркий арузшуносликка илк бор Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан киритилган деб қаралган ариз ва амиқ баҳрлари Шайх Аҳмад Тарозий рисоласида *тавил* ва *жадид* номи остида келтирилган.

9. Шайх Аҳмад Тарозий ўз рисоласида 366та вазни келтирганлиги ҳақида айтиб ўтади, бироқ бизга етиб келган қўлёзмада 193та вазн таҳлил қилинганлиги маълум бўлди. “Фунун ул-балоға”да вазнларга келтирилган мисоллар асосан туркий тилда бўлиб, баъзи ўринларда вазн моҳиятини янада яхшироқ ва аниқроқ тушунтириш учун форсий тилдаги байтлардан фойдаланилган.

10. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида баҳрлар сони 19та, Заҳириддин Муҳаммад Бобурда 21та эканлигини ҳисобга олсак, “Фунун ул-балоға”да 40та баҳр номининг келтирилиши асарнинг туркий арузшуносликдаги аҳамияти ҳамда муаллифнинг аруз илмидаги салоҳиятини янада ёрқинроқ намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X-XIX асрлар). – Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Elliott № 127 рақамли қўлёзма).
3. Devin DeWEESE. “The Predecessors of Nava’i in the “Funun al-balagah” of shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century” –

“Journal of Turkish studies”, edited by Sinasi Tekin, published at Near Eastern Languages and Civilizations Harvard University – 2005, volume 29, P. 73 – 163.

4. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. (“Балоғат илмлари”) / Масъул муҳаррир Б. Ҳасанов / – Т.: Ҳазина, 1996.

5. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. (“Балоғат илмлари”) // Ўзбек тили ва адабиёти, – Т.: Фан, 2002-2003.

6. Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи: С. Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971.

7. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. 10-жилд. – Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.